



КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Узаков Шерзод Шерматович

Қашқадарё вилояти “Нишон кўзгу” фермер хўжалиги

ORCID: 0000-0001-7760-5866

uzokov33@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада камбағаллик тушунчаси, камбағаллик чегараси, камбағалликни вужудга келиш сабаблари, Ўзбекистонда камбағаллик даражасининг ҳозирги ҳолати таҳлили, камбағаллик даражасини қисқартиришда хорижий мамлакатлар тажрибаси, Ўзбекистонда камбағаллик даражасини янда қисқартиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ёритилган.

Таянч иборалар: камбағаллик, кам таъминланганлик, камбағаллик чегараси, камбағалликни қисқартириш.

ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН ПО СОКРАЩЕНИЮ БЕДНОСТИ

Узаков Шерзод Шерматович

Фермерского хозяйства «Нишон Кузгу» в Кашкадарьинской области

Аннотация. В данной статье рассматриваются понятие бедности, черта бедности, причины бедности, анализ современного состояния бедности в Узбекистане, опыт зарубежных стран по снижению уровня бедности, научные предложения и практические рекомендации, направленные на снижение уровня бедности. бедности в Узбекистане.

Ключевые слова: бедность, бедность, черта бедности, сокращение бедности.

EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES ON POVERTY REDUCTION

Uzakov Sherzod Shermatovich

“Nishon Kozgu” farm in Kashkadarya region

Abstract. This article covers the concept of poverty, the poverty line, the causes of poverty, the analysis of the current state of poverty in Uzbekistan, the experience of foreign countries in reducing the level of poverty, scientific proposals and practical recommendations aimed at reducing the level of poverty in Uzbekistan.

Key words: poverty, poverty, poverty line, poverty reduction.

Кириш.

Камбағаллик тушунчасига ягона таъриф мавжуд эмас. Баъзилар камбағаллик деганда инсоннинг бирламчи эҳтиёжларини (озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим ва соғлиқни-сақлаш) қондиришга имкониятнинг мавжуд эмаслигини тушунса, бошқалар – танлов эркинлигининг етарлича эмаслиги ёки кунига 1,90 доллардан кам миқдорга кун кечиришни, учинчи томон эса – инсоннинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштирокига путур етказувчи ижтимоий, таълим ва соғлиқни-сақлаш соҳасидаги тўсиқларнинг доимий доирасини тушунишади. Камбағаллик, умуман олганда, нисбий тушунчадир. Баъзилар бошида бошпанаси ва еярга таоми йўқлиги учун камбағал дейилади. Камбағаллик муаммоси дунё олимлари томонидан икки асрдан бери ўрганилиб келмоқда. Тан олинган қарашларга кўра, камбағаллик уч даража билан белгиланади: мутлоқ камбағаллик, нисбий камбағаллик ва субъектив камбағаллик.

Камбағаллик жамиятда даромадларнинг кескин табақаланишига ва ижтимоий зиддиятларнинг чуқур илдиз отишига сабаб бўлади. Ушбу муаммонинг долзарблигини мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев алоҳида таъкидлаб ўтган: “2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида туб бурилиш йили бўлди, десак, муболаға бўлмайди. Аввало, аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлигини биринчи марта тан олиб, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишларни бошладик. Янги йилда иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади” (Мирзиёев, 2020).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ««ЎЗБЕКИСТОН – 2030» СТРАТЕГИЯСИ» ПФ-158-сон Фармони тасдиқланди. Мазкур Стратегия 5 та йўналишдан иборат. Унинг “Ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ислохотлар” деб номланган 1.3-йўналишининг 27-банди “Мамлакатда камбағаллик даражасини қисқартириш” деб номланиб, унда “2026 йилга қадар камбағалликни 2022 йилга нисбатан **2 баробарга**, 2030 йилга қадар эса **кескин** қисқартириш; камбағалликка тушиш хавфи мавжуд 4,5 миллион аҳоли даромадини ошириш; ижтимоий шериклик асосида 500 минг малакали мутахассис тайёрлаш” (Фармон, 2023) каби 2030 йилгача эришиладиган мақсадлар белгилаб берилган.

Юқоридагилардан мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришда кенг иқтисодий ислохотлар олиб борилаётгани кўриниб турибди. Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш вазифаси муҳим ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришнинг иқтисодий йўналишлари билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев (2020) маърузалари билан бир қаторда мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари муҳим назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Амартя Сен (1983) ўзининг “Очлик сиёсий иқтисодиёти” асарида “камбағаллик товарлар миқдори (моддий неъматлар) билан боғлиқ эмаслигини кўрсатади, лекин одамларнинг бу моддий неъматларни олиш учун ижтимоий шартланган имкониятлари билан белгиланади” деб таъкидлаган.

Россиялик иқтисодчи олимлар Наталья Евгеньевна Тихонова ва Михаил Константинович Горшковлар (2014) Россияда аҳолининг камбағаллик сабаблари бўйича тадқиқотлар олиб боришган.

Жеффри Сакс (2022) ўзининг “Камбағалликнинг интиҳоси” деб номлаган китобида жамиятнинг камбағаллик чангалидан қутулишига имкон берувчи капиталнинг 6 та турини ажратиб кўрсатган.

Ўзбекистонлик профессорлар Муҳаммедов, Пардаев, Пардаевлар (2020) камбағалликни турлича тоифаларга ажратишган. Хусусан, Муҳаммедов “Камбағал аҳоли деганда икки тоифани назарда тутиш мумкин, биринчи тоифа камбағал аҳоли – бу ўз ҳаётини тузатишни истамайдиган, истаса-да, бунга ҳаракат қилишга дангасалик қиладиганлар. Иккинчи тоифаси эса маълум сабаблар туфайли шундай ҳолга келиб қолган, ишлашни истайдиган, аммо баъзи сабаблар билан бунга имкон тополмаган инсонлардир” деб таъкидлайди.

Пардаев, Пардаевлар (2020) камбағаллик тоифасига кирадиган аҳолини уч гуруҳга бўлиб, уларнинг таркибига қуйидагиларни киритганлар. “Биринчиси ишсизлар, тегишли малакаси бор, аммо ўзларига муносиб иш топа олмаётган аҳоли. Иккинчи тоифага, иш билан банд, аммо олган ойлик маоши оиласини камбағаллик чегарасидан чиқиб кетишига етарли бўлмайдиган шахслар. Учинчиси, ишлаш имконияти йўқ (ногиронлиги бор, меҳнатга қобилиятсиз, боқувчиси йўқ болалар ва қариялар) аҳоли қатлами.”

Профессор Хасанов (2020) “Камбағалликка инсонлардаги ялқовлик, дангасалик хусусиятлари ҳам юқори таъсир кўрсатишини кўрсатади. Шу сабабли камбағалларни ялқовлик, дангасалиқдан фориг этиш талаб қилинади. Муҳими, камбағалларга ишлаб пул топиб, тўқ яшашига шароит ва имконият яратиш керак” деб таъкидлайди.

Ҳамидов (2020) “Ўзбекистонда камбағаллик даражаси. Камбағалликни камайтириш учун нима қилиш керак?” деган мавзуда илмий тадқиқотлар олиб борган.

Тадқиқот методологияси.

Асосий илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқишда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, таққослаш каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган.


Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимизда яқин йилларгача бўлган даврда иқтисодий атамашуносликда “камбағаллик” деган тушунча қўлланилмас эди. Худди Ўзбекистонда умуман камбағал аҳоли йўқдай. Унинг ўрнига узоқ йиллардан бери “кам таъминланганлик” деган тушунча қўлланилиб келинди. Мамлакатимизда амалга оширалаётган самарали ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида кам таъминланган аҳоли улуши йилдан йилга камайиб бормоқда. Хусусан, уй хўжаликлари танланма кузатувлари маълумотларига асосан 2001 йилда Ўзбекистонда жами аҳоли таркибида кам таъминланганларнинг улуши 27,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 11, 5 фоизни ташкил этди. Яъни, 2,4 баробарга камайган (1-расм).

1-расмда келтирилган рақамларни 2001-йилдан 2020-йилгача Жаҳон Банки тавсиясига кўра кам таъминланганлик даражаси кўрсаткичи кунлик 2100 ккал миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланган, 2021-йил учун Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 27-августдаги 544-сонли қарорига асосан, аҳоли даромадларини МИХ миқдорига нисбатан солиштириш орқали ҳисобланган.

2021 йилдан бошлаб кам таъминланган аҳоли улуши ўрнига камбағаллик даражаси қўлланила бошлади ва 2021 йилда камбағаллик даражаси 17,0 фоизни ташкил этган.

««ЎЗБЕКИСТОН – 2030» СТРАТЕГИЯСИ»нинг “Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш” деб номланиб, унда “2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш” (Фармон, 2023) вазифаси белгилаб берилган.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган аҳоли улуши, фоиз

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги (stat.uz) маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Камбағаллик чегараси нима ва у қандай аниқланади деган савол туғилади. “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг камбағаллик чегарасини асосий товар ва хизматлар (озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турар-жой ҳақини тўлаш, сув билан таъминлаш, электр энергияси, мактаб таълими, тиббий хизмат) учун зарур бўлган даромадлар сифатида белгилайди. Камбағаллик даражаси нисбий тушунча саналади ва муайян мамлакатдаги умумий фаровонлик даражасига боғлиқ. Камбағаллик мутлақ ва нисбий каби турларга бўлинади. Мутлақ камбағалликда кун кечирувчи одамлар биологик тирик қолишни таъминлайдиган минимал эҳтиёжларнигина қондиришлари мумкин”³⁹.

Ҳукумат маҳаллий органлари аҳолининг кам таъминланган қатламларини аниқлаш, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги вазифаларни аниқлаш мақсадида камбағаллик чегарасини белгилайди. Бунда турли мезонлардан фойдаланилади, бой мамлакатларда қашшоқлик чегараси, камбағал мамлакатларга қараганда юқорироқ.

Камбағаллик чегараси деганда даромаднинг шундай даражаси тушуниладики, ундан пастда одам охиригача ҳамма нарсадан маҳрум бўлади. Бошқача қилиб айтганда, унинг даромади яшаш даражасидан ортмайди.

Ҳозирги кунда Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, дунёда 736 миллион киши ўта камбағаллик шароитида кун кечирмоқда.

1990 йилда Жаҳон банки экспертлари камбағал давлатларда қўлланадиган стандартлардан фойдаланиб, дунёдаги камбағал аҳоли сонини ўлчашни таклиф қилишганди. 15 та давлатдаги камбағалликнинг миллий даражасини ўрганиб, харид қобилияти асосида валюта курсларини қўллаган ҳолда (харид қобилияти; бутун дунёдаги ана шу нархлар асосида ҳисобланади) қайта ҳисоблашди. Товар ва хизматлар тўплами нархини барча мамлакатларда тўғри таққослаш учун ана шундай қилинган.

Натижада экспертлар ўрганилаётган қашшоқ мамлакатларнинг олтитасида камбағаллик даражаси кунига бир киши учун 1 долларга яқин кўрсаткични ташкил қилади. Бу кўрсаткич илк халқаро қашшоқлик чегараси сифатида қабул қилинади.

Дунё мамлакатларидаги ҳаёт қийматидаги тафовутлар ортиб боргани сабабли Жаҳон банки глобал камбағаллик кўрсаткичини вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш заруриятига дуч келди. “2005 йилда банк дунёнинг энг қашшоқ мамлакатларида қабул

³⁹ <https://kun.uz/news/2020/03/03/jahon-banki-kambagallik-darajasini-qanday-hisoblaydi>

қилинган камбағаллик даражаси асосида ана шу кўрсаткични қайта ҳисоблади. Натижада глобал қашшоқлик чегараси 1,25 долларгача кўтарилди. 2015 йилда чегара қайта кўриб чиқилди ва 1,9 долларгача ортди⁴⁰.

Бундан ташқари, Жаҳон банкида ўртадан паст, ўрта ва юқори– 3,2 доллар, 5,5 доллар ва 21,7 доллар даромадларга эга мамлакатлар учун камбағалликнинг юқори даражалари қабул қилинган. Банк мутахассислари бу кўрсаткичлар пул мезонларига асослангани ва улар таълим олиш, соғлиқни сақлаш хизматлари ва сув ҳамда электр энергияси билан таъминланганлик каби жиҳатларни ҳисобга олмаслигини таъкидлашади. 1990 йилдан бошлаб ҳар йили Жаҳон банкининг «Камбағаллик ва ялпи фаровонлик» маърузалари эълон қилинади. Сўнгги маъруза 2018 йилнинг октябрь ойида чиқарилган. Ундаги асосий кўрсаткич қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 доллар миқдорида эканидир. Бироқ қашшоқлик бўйича янги таъриф ва ўлчамлар киритилмоқда. Жумладан, ижтимоий камбағаллик. Бу кўрсаткич мутлақ ва нисбий камбағаллик концепциясини бирлаштиради.

Бундан ташқари, камбағаллик даромадлар даражаси бўйича коммунал хизматлар (сув, электр энергияси), соғлиқни сақлаш ёки таълим олиш имкониятини акс эттирмагани учун кўп ўлчамли камбағаллик кўрсаткичи киритилди.

1-жадвал

Дунёдаги энг камбағал 25 та мамлакат

Ўрни	Мамлакатлар	Аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромад (МД) (2014), \$	ЯИМ, млрд.\$/	Аҳоли сони, киши	Кути-лаётган умр, йил
1.	Марказий Африка Республикаси	600	1,8	4 804 316	50,1
2.	Конго демократик Республикаси	650	33,0	74 877 030	49,9
3.	Либерия	700	2,0	4 396 554	60,5
4.	Бурунди	770	3,1	10 816 860	54,1
5.	Малави	790	4,3	16 695 253	55,2
6.	Нигер	920	8,2	19 113 728	58,4
7.	Гвинея	1120	6,6	12 275 527	56,1
8.	Мозамбик	1140	16,4	27 216 276	50,2
9.	Того	1290	4,5	7 115 163	56,5
10.	Гвинея-Биссау	1380	1,0	1 800 513	54,3
11.	Мадагаскар	1400	10,6	23 571 713	64,7
12.	Эфиопия.	1490	54,8	96 958 732	63,6
13.	Комор ороллари	1490	0,6	769 991	60,9
14.	Эритрея	1520	3,9	5 110 444	62,8
15.	Мали	1530	12,1	17 086 022	55,0
16.	Гамбия	1560	0,8	1 928 201	58,8
17.	Зимбабве	1630	13,7	15 245 855	59,8
18.	Руанда	1630	7,9	11 341 544	64,0
19.	Буркина-Фасо	1650	12,5	17 589 198	56,3
20.	Гаити	1730	8,7	10 572 029	63,1
21.	Уганда	1740	26,3	37 782 971	59,2
22.	Сьерра-Леоне	1800	4,9	6 315 627	45,6
23.	Бенин	1850	8,7	10 598 482	59,3
24.	Афганистан	1960	20,8	31 627 506	60,9
25.	Жанубий Судан	2000	13,1	11 911 184	55,2

Манба: <https://wfin.kz/novosti/ekonomika/item/30202-интернет> сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁴⁰ <https://kun.uz/news/2020/03/03/jahon-banki-kambagallik-darajasini-qanday-hisoblaydi>


Ана шу тушунчага мос равишда глобал даражадаги камбағаллар улуши монетар камбағаллик билан таққослаганда тахминан 50 фоизга юқорироқ. 24/7 Wall St. экспертлари Жаҳон банкининг ялпи миллий даромад (GNI) бўйича мамлакатлар рейтингини асосида дунёдаги энг бой ва қашшоқ мамлакатларни аниқлар рейтингини аниқлаган (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, дунёдаги энг камбағал мамлакат Марказий Африка Республикаси ҳисобланади. Бу ерда 2014 йил маълумотлари бўйича аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромад (МД) 600 \$ ни ташкил этади. Аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги эса 50,1 йилни ташкил этади. Бу жуда ачинарли ҳолат ҳисобланади.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 736 миллион киши (аҳолининг 10 фоизи) ўта қашшоқлик шароитида (кунига 1,9 доллардан кам киримга эга), дунё аҳолисининг деярли ярми – 3,4 млрд киши – кунига 5,5 доллардан кам тушумга эга. Қашшоқлик даражаси энг юқори қитъа Африка, сайёрадаги энг қашшоқ мамлакатлар – Конго демократик республикаси (ўта қашшоқлик даражаси – 77,1 фоиз) ва Мадагаскар (77,6 фоиз).

Камбағаллик ҳақида сўз юритганда, у битта инсон учун тегишли бўлган муаммо эмаслигини англаб етишимиз лозим. Камбағаллик жамият ва иқтисодиётда бир қатор салбий жараёнларни юзага келтиради. Камбағаллик бир қатор объектив ва субъектив сабаблар туфайли туғилишнинг кўпайишига сабаб бўлади. Камбағаллар етарлича таълим олиш имкониятига эга бўлмаганликлари боис, малака ва касбий кўникмалари паст ходимлар сафини тўлдирадилар. Жамият учун зарур бўлган касб эгалари, хусусан ўқитувчи ва шифокорлар юқори даромадга эга бўлиш мақсадида ўз иш жойларини ташлаб бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга мажбур бўладилар. Камбағаллик жиноятчиликнинг ўсишига олиб келади, чунки тирикчилик қилиш учун инсонлар даромад топишнинг ноқонуний йўлларида ҳам фойдаланишга мажбур бўладилар. Камбағаллик жамиятда даромадларнинг кескин табақаланишига ва ижтимоий зиддиятларнинг чуқур илдиз отишига сабаб бўлади.

Америкалик иқтисодчи Жеффри Сакс ўзининг “Камбағалликнинг интиҳоси” деб номлаган китобида жамиятнинг камбағаллик чангалидан қутулишига имкон берувчи капиталнинг 6 та турини ажратиб кўрсатган (2-расм):



2-расм. Жамиятнинг камбағаллик чангалидан қутулишига имкон берувчи капиталнинг турлари (Пардаев, Пардаев, 2020)

Бугунги кунда дунёда қашшоқлик ва камбағалликка барҳам бериш ҳамда барқарор ривожланишни таъминлаш муаммолари марказий ўринда турибди. Сони ўсиб бораётган аҳоли учун мос, тўйимли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдалана олишни таъминлаш деярли барча халқлар тўқнаш келаётган энг мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда дунёдаги ривожланаётган мамлакатларида 30 миллиондан ортиқ болалар ночорликда кун кечирмоқда⁴¹. Аммо ҳар бир инсонга ҳар куни зарур бўладиган энг кам миқдордаги таъминот етишмаслиги, бошқача айтганда, камбағаллик жамият хавфсизлиги, барқарорлигини таъминлашдаги энг катта хавфлардандир. Шу ўринда савол туғилади ўзи камбағаллик нима ва камбағалликни ўлчаб бўладими?

Россиялик иқтисодчи олимлар Наталья Евгеньевна Тихонова ва Михаил Константинович Горшковлар Россияда аҳолининг камбағаллик сабаблари бўйича тадқиқотлар олиб боришган (2-жадвал).

2-жадвал

**Россияликларнинг камбағаллик сабаблари англаш (тушуниш)
динамикаси, % (Тихонова, Горшкова, 2014)**

Камбағаллик сабаблари	2003	2013	2015
Алкоголизм, гиёҳвандлик	35	39	39
Касаллик, ногиронлик	37	40	35
Узоқ муддатли ишсизлик	41	41	31
Дангасалик, яшашга қодир эмаслик	22	23	31
Оиладаги муаммолар, бахтсизликлар	25	31	29
Ижтимоий таъминот бўйича давлат имтиёз (пособия)ларининг етишмаслиги	38	32	25
Иш ҳақини тўламаслик, пенсиянинг кечиктирилиши	47	19	24
Кам (ёмон) маълумот, паст малака	23	21	19
Одатий турмуш тарзини ўзгартиришни хоҳламаслик	19	18	18
Қариндошлар, дўстлар, танишларнинг ёрдами (қўллаб-қувватлаш) йўқлиги	20	20	15
Улар ота-оналарининг турмуш даражасининг пастлиги	20	19	13
Камбағал ҳудудда яшаш	17	17	12
Кўп сонли қарамликнинг мавжудлиги	17	17	10
Омадсизлик	14	13	10
Мигрантлар ва қочқинларни айблаш	5	4	5

Россияда камбағалликка олиб келувчи энг асосий сабаблардан бир алкоголизм ва гиёҳвандлик ҳисобланади. Бу энг салбий ҳолат сифатида қаралади.

Ундан кейинги ўринларда касаллик ва ногиронлик, узоқ муддатли ишсизлик турибди. Бу энди кўпроқ объектив омиллар билан боғлиқ.

Энг ёмони дангасалик, яшашга қодир эмаслик омили ҳисобланади. Энг ачинарлиси жадвал маълумотларига эътибор қаратар эканмиз, бу кўрсаткич йилдан йилга ортиб бормоқда. “Шарқда бир доно гап бор: “Камбағалликка ялқовлик қўшилса, бунинг давоси йўқдир”. Шу сабабли камбағалларни ялқовликдан фориг этиш талаб қилинади. Муҳими, камбағалларга ишлаб пул топиб, тўқ яшашига шароит ва имконият яратиш керак” (Хасанов, Усмонов, 2020).

Энди қашшоқликка қарши кураш бўйича Хитой, Ҳиндистон ва Сингапур тажрибалари таҳлил қиламиз.

Нима учун Хитой муваффақиятга эришди?

⁴¹ http://www.un.org/ru/development/devagenda/pdf/Russian_Why_it_matters_Goal_1_Poverty.pdf

Хитой дунёдаги энг йирик қашшоқликка қарши дастурни амалга оширмақда. Давлат ўртача фаровонлик жамиятини яратишни мақсад қилган.

1990 йиллардан бошлаб ҳукумат ижтимоий ҳимоя тизимини қуришга киришди. Хитой Коммунистик партиясининг 18-съезидан бошлаб ҳукумат умумий давлат бошқарувида қашшоқликка қарши курашда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратди: ресурслар сафарбар қилинди, бир қатор сиёсий чоралар кўрилди, бунинг натижасида қашшоқликка қарши курашилди, тарихий даврда максимал натижалар.

Хитойда қашшоқликка қарши кураш “ҳар бир фуқаро ижтимоий тараққиёт меваларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак” тамойилига асосланади. Бу тамойил қашшоқликни бартараф этиш ва умумий фаровонликка эришишга қаратилган бўлиб, инновациялар, яшил ривожланиш, очиқлик ва инклюзив ривожланишга асосланади. Буларнинг барчаси давлат, бозор ва жамиятни ўз ичига олган қашшоқликка қарши курашнинг кўп предметли моделини шакллантиришга хизмат қилади.

Камбағалликка қарши кураш бўйича давлат сиёсати сиёсий қўллаб-қувватлашга қаратилган: “Камбағалларни қўллаб-қувватлаш ҳам иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни режалаштиришнинг асосий масаласидир, қашшоқликка қарши курашга инвестициялар ҳажмини сезиларли даражада ошириш, аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш бўйича янги чора-тадбирларни жорий этиш, қоқоқ ҳудудлар, бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишини ошириш, ижтимоий-иқтисодий инклюзив ривожланишни кучайтириш зарур”.

Бу ерда кам таъминланган оилалардан бўлган ёш авлоднинг касб-хунар таълими олишига кўмаклашиш бўйича давлат дастурлари амалга оширилди. Бундан ташқари, аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг манзилли бандлигини таъминлаш бўйича дастурларни кенгайтириш, ишчи-хизматчиларнинг яшаш жойлари ва улар меҳнатга жалб этилган ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар қишлоқ хўжалигига йўналтирилди, инфратузилма объектларини барпо этиш ва кам таъминланган ҳудудларда саноатни ривожлантиришга йўналтирилди. Кейин ушбу мулкнинг бир қисми улуш шаклида иш қилиш имкониятидан тўлиқ ёки қисман маҳрум бўлган кам таъминланган оилаларга ўтказилди, улар ушбу мулкдан даромад олишлари мумкин еди.

2012 йилдан бери Хитой ҳукумати аёллар, болалар, қариялар, ногиронлар, этник озчиликлар ва бошқа махсус ижтимоий гуруҳларни фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хитой ҳукумати қашшоқликни бартараф этиш масаласини доимо диққат марказида ушлаб туради.

Хитой Коммунистик партиясининг 100 йиллиги арафасида мамлакат раҳбари мутлақ қашшоқлик тугаганини маълум қилди. Хитой Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш кун тартибига белгиланган муддатдан 10 йил олдин қашшоқликка барҳам бериш мақсадига эришди.

2023 йил 15 май куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш ишларини янги поғонага олиб чиқиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда камбағалликни қисқартиришда жорий этилган тизим, янги дастур, тадбиркорлар учун солиқ ва божхона маъмурчилигида енгилликлар ва камбағалликни камайтиришда Хитой тажрибаси муҳокама қилинди.

Ҳиндистон тажрибаси

Барча мамлакатларда тенгсизлик мавжуд, аммо Ҳиндистон алоҳида ҳолат. Мамлакатда иқтисодий тенгсизликдан ташқари, касталарга бўлиниш ҳам мавжуд. Ҳиндистон маъмурияти ва бизнеси учун коррупция ва порахўрлик муҳим аҳамиятга эга. Нима учун Ҳиндистонда коррупция авж олган? Бунга ахборот бўшлиғи, яширин мукофотлар ва ҳақиқий жазонинг йўқлиги ёрдам беради.

Ишсизлик муаммосини ҳал қилиш учун 1990 йилларнинг бошидан бошлаб ҳукумат микродаражада аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатини фаол рағбатлантиришни давом эттирди. Саккизинчи беш йилликда (1992-1997) қишлоқ жойларда бир қанча кенг кўламли дастурлар амалга оширилди, жумладан, 2 миллион иш ўрни яратилди ва бу режаларни амалга ошириш учун кредит тизими жорий этилди. Бу кичик бизнес соҳасида аҳоли бандлигини оширишга хизмат қилди. Айти пайтда шунга ўхшаш дастурлар амалга оширилмоқда.

Ҳиндистон ҳали қашшоқлик ва ишсизликка қарши курашнинг самарали тизимли усуллари топмаган. 2021 йилда РСЛДС эркалар иштирок етган тўрт ойлик дастурни ишлаб чиқди. Дастур иштирокчиларининг ҳар бири синовдан ўтказилди, унинг давомида билим, қобилият ва мойиллик аниқланди. Ушбу маълумотларга асосланиб, РСЛДС одамларни кейинчалик иш билан таъминлаш билан муайян кўникмаларга ўргатди. Палаталар бошпана ва озиқ-овқат, шунингдек, кунига 230 рупий олишди - бу кичик миқдор доимий қашшоқликда яшаган одамларга ўз ҳурматини қозонишга ёрдам берди.

Сингапур тажрибаси

Сингапурнинг асосчиси ва собиқ бош вазири Ли Куан Ю бир авлод ичида Сингапур қашшоқликни енгиб, гуллаб-яшнаган давлатга айлантира олди.

Сингапурнинг муваффақияти юқори малакали давлат сектори томонидан кўллаб-қувватланса, ақлли одамларнинг зич агломерацияси инновациялар ва ривожланиш қобилиятини кўрсатади. Ли еркин бозор капитализмининг давлат индустрияси билан бирлаштирган ғалати, аммо жуда муваффақиятли усулга амал қилди.

Ли учинчи дунё давлатларининг аксарияти коррупция ботқоғига ботганини тушунди, шунинг учун у қатъий чоралар кўрди ва схемани белгилади: ҳокимият - пул - коррупция. Шу мақсадда Молия вазирлиги томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унда қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Жаҳон банки ҳисоботида кўра, миллий сиёсатдаги ислохотлар қашшоқликни қисқартириш борасидаги тараққиётни қайта бошлашга ёрдам бериши мумкин. Шунингдек, глобал ҳамкорликни фаоллаштириш талаб этилади. Молиявий сиёсат соҳасида ҳукуматлар учта жабҳада тезкор чоралар кўришлари керак:

✓ **• Катта ҳажмдаги субсидиялардан сақланинг, мақсадли пул ўтказмаларини кўпайтиринг.** Паст ва ўрта даромадли мамлакатлардаги барча энергия субсидияларининг ярми кўпроқ энергия ишлатадиган аҳолининг энг бой 20 фоизига тўғри келади. Нақд пул ўтказмалари аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини кўллаб-қувватлашнинг анча самарали механизми ҳисобланади.

✓ **Узоқ муддатли ўсишга эътибор қаратинг.** Бугунги кунда таълим, илмий-тадқиқот ва ишланмалар ҳамда инфратузилма лойиҳаларига юқори самарали сармоя киритиш зарур. Ресурслар кам бўлган муҳитда яхшироқ сарфлаш ва кейинги инқирозга яхши тайёргарлик кўриш муҳим бўлади.

✓ **Камбағалларга зарар етказмасдан, ички даромадни сафарбар қилишга интилинг.** Кўчмас мулк ва углерод солиғи энг камбағалларга зарар етказмасдан даромадларни оширишга ёрдам беради. Жисмоний шахслар ва корпорациялар даромадларидан олинадиган солиқлар базасини кенгайтириш орқали ҳам худди шундай натижага эришиш мумкин. Агар сотиш ва акциз солиғини ошириш зарур бўлса, ҳукуматлар иқтисодийётдаги бузилишларни ва тақсимлашнинг салбий таъсирини минималлаштириши ва солиқларнинг энг заиф оилаларга таъсирини қоплаш учун мақсадли пул ўтказмаларини тақдим этиши керак.

Хулоса ва таклифлар.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларга асосланиб, мамлакатда камбағалликни қисқартириш бўйича тавсиявий характердаги қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқдик.

- камбағалликни қисқартириш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиш ва уларнинг ютуқ томонларини жорий қилиш;
- камбағалликка олиб келувчи ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, қиморбозлик, одам савдосига қарши кескин курашиш;
- ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизимни яратиш ҳамда улар учун қулай ва мақбул муҳитни яратиш;
- хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш;
- аҳолини даромадли меҳнат билан банд қилиш, ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш;
- фуқароларни давлат ҳисобидан касб-хунарга ўқитиш, уларнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш бўйича касбий кўникма ва малакаларини ривожлантириш;
- кишилардаги дангасалик, ялқовлик хусусиятини камайтириш, уларни ўз қизиқишлари бўйича меҳнат қилиб даромад топишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- аҳолининг маълумотлилик (айниқса олий маълумотлилик) даражасини ошириш, касбий-малака даражасини ошириш;
- аҳолининг тадбиркорлик қобилиятини ошириш, йўқолиб кетган мулкдорлик ҳиссини қайта уйғотиш, мақсадли йўналишларда уларга имтиёзли кредитлар ва солиқ бўйича имтиёзлар бериш;
- тўйлар, тадбирлар учун харажатларни қисқартириш ва бунинг учун жавобгарликни ошириш;
- аҳолини тадбиркорликка қизиқтириш, ўқитиш, уларни тадбиркорлик соҳасидаги билимларини ошириш мақсадида телевидения орқали ўз соҳасида улкан муваффақиятларга эришган етакчи тадбиркорлар орқали мастер-класслар ва суҳбатлар ташкил этиш, тадбиркорликни талқин этувчи фильмларни кўпроқ намойиш этиш ва бошқалар.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Amartya Sen. (1983) *Poverty and Famines: An Essay on Entitlement and Deprivation*.

Jeffrey Sachs im Gespräch (28 сентябрь 2022). Дата обращения: 27 февраля 2023.

Архивировано 27 февраля 2023 года.

Мирзиёев Ш. (2020) *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси*. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. (2020) *Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Илмий-услубий тавсия*. Самарқанд: САМИСИ. – 68 бет.

Тихонова Н.Е., Горшкова М.К. (2014) *Бедность и бедные в современной России*. — *Весь Мир*, - 304 с.

Фармон (2023) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» СТРАТЕГИЯСИ» ПФ-158-сон Фармони*.

Хасанов Р., Усмонов Б. (2020) *Ўзбекистонда камбағаллик ва уни қисқартириш йўллари*. 06.03.2020 й. <http://review.uz>.

Ҳамидов Б. (2020) *Ўзбекистонда камбағаллик даражаси. Камбағалликни камайтириш учун нима қилиш керак?* <https://effect.uz/k/2020/11/06>.